



Тайёрловчи: Носируддин Ахмад

Ушбу рисола,
доктор Носир бин Хаммод ал-Амморнинг
“Даъват” номли китоби асосида тайёрланди.

Кириш:

Та’minot dinidagi muhim amal kilgan, uni amalga oshirishni esa, takvodor bandalariga vojib kilgan Alloxga xamd bulsin! Ta’mirashchilarning imomi, payg’ambarlarning sayyidi bo’lgan zotga salavotlar bylsin!

Инсонларни Аллохнинг динига даъват килиш, уларга унинг хакикатларини баён этиш ва унинг кўрсатмаларига амал килишга тайёрлаш – мана шулар билан исломий жамият барпо бўлиб, исломий хаёт юзага келади ва нихоят, инсоният адолат хавосидан нафас ола бошлайди.

Ер юзини турли жойларида яшаётган халклар ўзларининг мусибатларидан ва уларнинг зарарли окибатларидан шикоят кила, эртанги кун хакида дахшатга тушиб, кайгура бошладилар. Бу ходисалар бугунги кунда етук олимларни аклларини банд килган, мана-ман деган сиёсатчилар хам бу муаммоларга ечим топа олмай лол колаётган дамлардир. Инсонларга Ислом даъватини етказиш- бугунги кунга келиб, кечиктириш мумкин бўлмаган ва катта мусибатни олдини олиш учун зарур бўлган эhtiёждир. Олам узра кулоч ёйган зулм билан кураш эндиликда зиммамиздаги бурчга айланди. Уммат бугун, Роббиларига холис бўлган, дину-диёнатга ўзларини бахшида килган, Аллох учун динда фаолият киладиган даъватчиларга мухтожлик сезмокда. Менимча, хозир ер юзидаги бирорта жамият



Ислом Нури

исломий жамият каби, эътикодий бирлик ва тафаккурга мухтожликда эмас. Даъват нихоли, токи у Куръоннинг соф булогидан сугорилмас ва унинг хаёт бахш этувчи сувидан конмас экан, у каддини тутолмайди ва мева хам бермайди. У ўша булокки, ундан Аллохнинг элчиси – соллаллоху алайхи вассалам – ва у зотга эргашиб асхоблари истифода этишган. Шундан сўнг, улар бутун калблари билан ҳеч иккиланмасдан Аллох сари интилишда ва пайгамбарга эргашишда давом этдилар, борган сари уларнинг онглари, фикрлари нур ила нурафшон бўла, хислари эса факатгина у Нурдан таралаётган ёругликдангина таъсирлана бошлаган.

Куйида келтирадиган баъзи бандларда даъватчи инсон учун лозим бўладиган исломий даъватнинг онгли, назарий жихатдан англашга ёрдам берадиган мавзуларни ёритишга ҳаракат килдим. Токи даъватчи, амалий ишда дуч келадигани илмлар билан танишсин. Ушбу амал ёлғиз Аллох учун бўладиган хизматнинг бир кўриниши бўлиб, уни ўқиган, ўрганган ва ундан фойдаланишни истаган ҳар бир киши учун манфаатли бўлишини Аллохдан сўраб қоламан.

Мен яна Аллохдан уммат учун кайгурадиган, дин ишига бел боғлайдиган, керак бўлса, бу йўлда жон фидо киладиган содик даъватчиларни кўпайтиришини сўраб қоламан. Шу билан бирга, Аллохдан мусулмонларни олийлик, зафар ва нажот сари йўллаб, ахволларини ўнглаб беришини сўрайман. Албатта, У зот бунга кодирдир!

Эй Аллох, Сенга ҳамд бўлсин! Сенга мактов бўлсин! Гувоҳлик бераманки, Сендан ўзга ҳақ илох йўқдир! Мени магфират қилишингни ўтинаман ва Сенга тавба қиламан!



Ислом Нури

Банданг ва элчинг, пайгамбаримиз Мухаммадга Ўзингнинг салому, салавот ва баракотларингни ёгдир!

Инсонлар Хамма замонларда ҳам уларнинг миллати, ирки, ижтимоий келиб чиқиши ва шахсий хислатларга эгаликларидан катъий назар, Ислом даъвати ва Аллохнинг ҳақ динига эҳтиёж сезадилар. Инсоннинг онги ва тафаккури ҳар ҳолда ўта етук эмас, шунинг учун ҳам унинг кўникма ва билимлари номукамал ва чекланган ҳолатда қолаверади. Инсондаги бу муҳим нуктани эътиборга олган ҳолда, Яратувчи Ўзининг пайгамбарларинини жўнатиб, инсониятни жаҳолат дунёсидан илм дунёсига, зулматдан нурга элтишлари учун Ўзининг Илохий Йўриқларини нозил этиб турган.

Кўпчилик мусулмонларни ўз динларининг муҳим нуқталари ва шариат таълимотларини билмасликлари сабабидан ва шунингдек, гоъвий бошқарув уларнинг кўлларида бошқаларнинг кўлларига ўтиб қолгани боис, мусулмонларнинг ўз динлари тўғрисидаги тасаввурлари нотўғри ва диннинг асл моҳиятини бузук акс эттирган ҳолда шаклланиб қолди.

Унутмаслик керакки, Ислом –турмуш тарзидир. У ана шундай тушунилиши ва амалга ҳам ана шундай татбиқ этилиши керак. Ислом, бу –қоинот, инсон ва ҳаёт тўғрисида тўғри тушунча берувчи ва инсонга унинг яратилиш сабабини аңлатувчи диндир. Мана шу таълимот асосида шариат ва ҳаётни бошқарув тузилмаси барпо қилинади.

Шу йўсинда Ислом бу-бутун бир йўлдир. Инсонларнинг динга бўлган эҳтиёжи уларнинг ҳаётлари, мавжудликлари ва табиатларининг ажралмас бир қисмидир. Уларнинг динга бўлган эҳтиёжи ҳаво ва сувга бўлган эҳтиёжларидан устунроқдир, аслида.



Ислом Нури

Асримизга келиб, Яратувчи билан ўрнатилиши керак бўлган алока янада муҳим даражага чиқмоқда. Бунга сабаб килиб айтиш мумкинки, инсоният тарафидан забт этилмиш ушбу тараккиёт, агар Аллох ва унинг элчисининг кўрсатмаларига таянган холда маънавий камолотга эга бўлмас экан, келажакда бу тараккиёт уни жар ёқасига олиб келиши мумкин. Олам Аллохни, У Куръони каримда бандаларига Ўзини таърифлагани каби, ҳамда унинг пайгамбари Мухаммад саллаллоху алайхи ва салламни таниши керак. Олам, шунингдек, диний вожиботлар тарзида амалга ошириладиган ахлоқ нормаларига ва эътикодга тааллуқли ҳақиқатлар тизимига ва ўзоро муносабатлардаги қоидаларни ўзлаштиришга муҳтождир.

Ушбу ҳақиқатлар – дунё учун манфаатли бўлган бошқарув бўлиб, уларни жамиятда амалий татбиқ қилиш эса, одамлар учун, улкан зафарларга эришиш ва кўпгина зарарлардан қутулиш гаровидир. Инсонлар, улар хоҳ мусулмон бўлсин, хоҳ гайримусулмон бўлсин, Ислом даъватига муҳтождирлар. Мусулмон учун кераклиги шундаки, унинг кўшимча мувафаккиятларга эришишига ва камолот зиналарида янада юқорилик кўтарилиши учун бир имкондир. Гайримусулмон учун эса, даъват унга маърифат, муваффақият, хидоятга йўлланмадир. Аллох таоло айтганидек:

«Аллох мўминларнинг дўстидир. Уларни қоронғу зулматлардан ёруғлик-нурга чиқаради. Кофирларнинг дўстлари эса шайтонлардир. Улар кофирларни ёруғлик-нурдан қоронғу-зулматларга чиқардилар. Улар жаҳаннам эгаларидир ва унда абадий қолажақлар». (Бақара: 257)

Ушбу мавзу ҳақида Ибнул Қоййим, раҳимахуллох, шундай деганлар: «Инсонларни шариатга бўлган эҳтиёжи, овқат ва сувдан ҳам, уларни



Ислом Нури

нафас олишга бўлган эhtiёжидан-да тенглаб бўлмас улканрокдир, чунки, агар хаво тўхтаса, жисм халокатга юз тутди. Энди шариятсиз хаёт хакида гапирадиган бўлсак, бу рухни-ю калбнинг халокати бўлиб, бу ўлим абадийдир. Жисмнинг халок бўлиши билан рух ва калбнинг халокатида кандай хам улкан фарк бор-а!!!»

Яна айтганларки: «Банда учун энг яхши холат-бу Аллох таолога чакирувчи, даъват килувчи киши холатида бўлишдир».

Бу ҳақда Ибнул Жавзий раҳимахуллох хам шундай деган эканлар: «Аллохнинг бандаларига Аллохга элтувчи йўлни кўрсатгин. Бу иш билан пайгамбар алайхимуссаломлар шугулланишган. Ёки пайгамбарларнинг иши-Аллохнинг махлуқотларини эзгуликка чорлаш ва зулму-ёмонлик килишдан тўсишдан бошка иш эдими?»

Аллохга чакириш - пайгамбарларнинг вазифаларидир

Хаётдаги хар бир мавжудот Аллохнинг иродаси ила ва улкан коинотда ўрнатган тартиби сабабидан, маълум бир вазифани адо этиш ва маълум бир бурчларни ўташ учун бу дунёга келтирилади. Инсонларга жўнатилган пайгамбарлар фаолиятининг асосини инсонларга жаннат хушхабарини бериш ва дўзахдан каттик огохлантириш каби йўллар билан Аллохга чакириш ташкил этади. Бундан ташқари, пайгамбарга вахий килиш, уни танлаш ва тайёрлашни яна бир хикмати шулки, у-улуг бир хабарни кўтариши ва уни одамларга етказиши лозимдир. Аллох таоло пайгамбари Мухаммад саллаллоху алайхи ва салламга мурожаат килар экан, шундай мархамат килади: **«Эй пайгамбар, сизга парвардигорингиз томонидан нозил килинган нарсани етказинг! Агар (бу фармонга амал) килмасангиз, Унинг рисолатини (бандаларига) етказмаган бўлурсиз. Аллох Сизни**



Ислом Нури

одамларнинг (зарарларидан) саклагай. Албатта Аллох кофир кавмни хидоят килмас». (Моида: 67)

Ва яна мархамат килиб айтадики: **«Эй пайгамбар, дархакикат Биз сизни (киёмат кунда барча умматлар устида) гувоҳлик берувчи, (мўминларга жаннат хакида) хушхабар элтгувчи, ва (кофирларга дўзах азобидан) огохлантиргувчи хамда Аллохнинг изни-иродаси билан У зотга (яъни, Унинг динига) даъват килгувчи ва (Хак йўлни кўрсатгувчи) нурли чирок килиб юборгандирмиз».** (Ахзоб: 45-46)

Даъват бу- мўътабар ва муҳим вазифа ҳисобланиб, пайгамбарлар, алайҳимуссалом, энг эътиборга молик ва Аллохнинг энг суюкли бандаларидан саналадилар. Шунинг учун хам, улар бажарган ишлар хам уларни юкори мартабаларига муносиб бўлиши керак.

Даъватчининг мартабалари

Куръон ва суннатга, даъватчилар зикр килинган, уларнинг мартабалари кўтарилган ўринларга назар солар эканмиз, уларнинг турфа ҳолатларда ёд килинганлигига гувоҳ бўламиз. Улардан:

1. Даъватчилар- энг яхши кишилардир.

Бунга Меҳрибон Аллохнинг ушбу сўзи далолат килади:

«(Эй уммати Мухаммад), одамлар учун чиқарилган умматларнинг энг яхшиси бўлдингиз. Зеро сиз яхши амалларга буюрасиз, ёмон амаллардан қайтарасиз ва Аллохга иймон келтирасиз». (Оли Имрон, 110)



Ислом Нури

2. Даъватчилар- одамлар хакида гувоҳлик берадиган кишилардир.

Аллох таоло марҳамат килади: **«Шунингдек, (яъни, ҳақ йўлга хидоят қилгани каби), сизларни бошқа одамлар устида гувоҳ бўлишингиз ва пайгамбар сизларнинг устингизда гувоҳ бўлиши учун ўрта (адолатли) бир миллат қилдик».** (Бақара: 143)

3. Даъватчилар- дунё-ю охирада нажот топгувчи кишилардир.

Аллох таоло марҳамат килади: **«Ораларингиздан яхшиликка (Исломга) даъват қиладиган, ибодат-итоатга буюрадиган ва исёндан-гуноҳдан қайтаргувчи бир жамоат бўлсин. Ана ўшалар нажот топгувчилардир».** (Оли Имрон: 104)

4. Даъватчилар- энг гўзал сўзларни сўзлагувчи кишилардир.

Зеро, бу ҳақда Яратган Аллох шундай дейди: **«(Одамларни) Аллох (нинг дини) га даъват қиладиган ва ўзи яхши амал қилиб, “Шак-шубҳасиз мен мусулмонларданман», деган кишидан чиройлироқ сўзлагувчи ким бор?»** (Фуссилат: 33)

5. Даъватчилар- пайгамбарларнинг меросхўрларидир.

Аллохнинг пайгамбари Мухаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай марҳамат қилганлар: *«Уламолар пайгамбарларнинг меросхўрларидир».*

Ушбу олимлар ва Аллохнинг йўлига даъват қилувчилар туркумига халқларни эзгуликка чақириб, инсониятни тўғри йўлга олиб чиқишлик билан Пайгамбарнинг изидан кетаётган кишилар қиради.



Ислом Нури

6. Даъватчиларнинг ҳақкига еру осмон ахли истигфор сўрайди.

Абу Умомадан Имом Термизий ривоят қиладилар: *«Аллох таоло, Унинг малоикалари, еру-осмон ахли, хаттоки, унидаги чумоли-ю сувдаги баликлар ҳам, инсонларга яхшиликни таълим бераётган кишининг ҳақкига салавот айтадилар»*

Аллохнинг салавот айтиши – бу, Унинг раҳматини ёғдириши, фаришталарнинг саловот айтиши – у инсонга истигфор сўрашлари ва бандаларни салавотлари эса – унинг ҳақкига дуо қилишларидир.

7. Даъватчиларнинг ажрлари узилиб қолмайди.

Бунга Пайгамбаримизнинг ушбу сўзлари далолат қилади: *«Кимки инсонларни хидоятга чақирса, у, ўзига эргашган инсонлар эга бўлган микдордаги савоб билан ажрланади. Ва бу эса эргашганларнинг савобларидан ҳеч нарсани қамайтирмайди».*

8. Даъватчилар учун, инсонларни тўғри йўлга чақириш, дунёдаги жамики нарсалардан яхшироқдир. Али ибн Абу Толиб розияллоху анху пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва салламдан шундай ривоят қиладилар: *«Аллохга касамки, Аллохнинг сен сабабли бир кишини хидоят қилиши, сенга бир пода кизил туяларга^[1] эга бўлишдан яхшироқдир»* ёки бошқа ривоятда, *«Куёш нури тушадиган жамики нарсалардан яхшироқдир»* деб марҳамат қилганлар.

Карайлик, агар бир даъватчининг меҳнати, бир инсонни хидоятига сабаб бўлиши шу даражада улкан баҳоланар экан, унда бир жамоат ёки катта бир гуруҳнинг хидоятига сабаб бўлса, даъватчига қанча мукофотлар берилар экан?



Агар бу даъват иши бутун бир жамиятлар ёки халклардаги туб ўзгаришларга сабаб бўлса-чи?!

Шубха йўкки, албатта бу ишга ато этилмиш Аллохнинг мукофоти ўсади ва у одамлар наздида ҳам, янада эътиборли мавкега чиқади.

(Давоми бор....)

Arablar kizil toyalar tuyalarning eng yaxshisi deydilar.